

## ХИТОЙ ТИЛИДА АТАМАЛАРНИНГ ЯСАЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Зиятова Барно Баходировна*

*Alfraganus University, Хорижий филология факультети*

*Хорижий филология кафедраси катта уқитувчиси*

**Аннотация.** Маълумки, ҳар бир тилдаги сўзлар бир неча маънога эга бўлади. Кўп маъноли сўзларнинг аниқ маъноси матн таркибида аниқланади. Бундай сўзлар нутқнинг таъсирли, жонли, ихчам ва бадиий бўлишида катта ўрин тутади. Шу билан бирга, ҳар бир тилда ўзининг ишлатилиши доирасига кўра чекланган, асосан, бир маънога эга тушунчани ифодалайдиган тушунчалар ҳам бўлади. Бундай сўзлар, фан - техника, санъат сиёсат, тил ва адабиёт, хунармандчилик каби турли соҳаларда учрайди. Бу соҳаларда ҳамма диққат борликни фақат мантиқ жиҳатдан билишга қаратилган. Шунинг учун фан – техника, сиёсат соҳаларда сўзларнинг ниҳоятда аниқ бўлиши талаб қилинади. Суд ва юридик соҳалар ҳам бундан истисно эмас.

**Калит сузлар:** Атамашунослик, атама, хусусият, соҳа, алоқа.

Атама ўз моҳиятига кўра, фикрни, мақсадни, яққол, аниқ қилиб беришда маъноси аниқлашган, ишлатилиш даражаси ниҳоятда чекланган, муайян бир тушунчани ифодалаб келган сўзлар мажмуи. Масалан, атом, ядро, биология, тўлдирувчи, аниқланмиш, учбурчак, лексика, морфология, кесим, от ва.х.к.

Атамаларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар кўп маъноли бўлмайди, кўчма маъноларда ишлатилиши ниҳоятда кам учрайди. Аммо амалиётда баъзи бир атама, масалан, ҳозирги замон рус ва ўзбек тилларида операция сўзи атама сифатида:

- Медицина соҳасида ёриш, кесиш, кесиб ташлаш, янгисини солиш ва шу йўллар билан касалликни тузатиш даволаш маъносида ишлатилиб, бу тил хусусиятларидан келиб чиқиб, барча тиллар учун хос бўлган ҳодиса. Жумладан, хитой тили учун ҳам.

- Ҳарбий соҳада бирор вазифа ва мақсадни амалга оширишга қаратилган уруш ҳаракатлари маъносида; Кейинги йилларда Хитойнинг суд ва юридик соҳаларнинг замонавийлашуви жараёнида ҳам чет тилидан бирмунча атамалар қабул қилинган. Масалан, танка сўзи инглиз тилидан 坦克(tanke) шаклда қабул қилинган.

- Давлат идораларида расмий муомала (банк операцияси, почта операцияси) маъноларида қўлланилади.

- Ҳар бир тилда, хусусан, ўзбек тилида атама сўзи қуйидаги йўл билан ҳосил қилинади.

1. Ҳар бир халқнинг ўз тил бойлигидан, ундаги турли имкониятлардан фойдаланиш асосида: учбурчак, урғу, қўлёзма, эга, кесим, аниқловчи, қўшимча, сўзлашгич кабилар.

2. Чет тиллардан, айниқса, рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан тайёр атамаларни қабул қилиш билан: плюс, минус, фонема, биология, атлас, атом, грамм, магнит, кредит, артикуляция.

Атамашунослик кенг маънода лексиканинг бир қатлами бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида, чунончи, фан, техника, сиёсат, юридик, санъат ва адабиёт каби соҳаларда қўлланиладиган атамашуносликнинг мажмуидир.

Атамашунослик тор маънода фан ёки техника, адабиёт, санъат ёки ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳасига оид атамалар тизимининг йиғиндисини ташкил қилади. Фан, техника, адабиёт, санъат ва ишлаб чиқариш тараққий этиб бориши билан атамашунослик ҳам ривожланиб боради, баъзи бир эскириб, кераксиз бўлиб қолган атамалар эса истеъмолдан чиқиб кетади.

Маданий–сиёсий алоқалар кучайиб борар экан, бу жараёнда айрим сўзларнинг бир тилдан иккинчи бир тилга ўтиши ёки қабул қилиш ҳолатлари барча тиллар тараққиётига хос бўлган қонуниятлардан ҳисобланади. Бу хусусиятлар нафақат ўзбек тилига, балки хитой тили учун ҳам хосдир. Фақат улар қандай йўл билан қабул қилиниши, ўзга тилдаги сўзнинг грамматик хусусиятлари ва тил қурилишига кўра гапда қандай ўринларда жойлашуви ва қўлланиши билан фарқ қилади. Зеро, ибора сифатида қабул қилинган ҳар бир сўз янгилик тарзида ўша тилнинг қонун қоидаларига бевосита бўйсунуш масаласи катта аҳамият касб этади. Хусусан, ўзбек тили сўз бойлиги XX асрнинг бошларигача араб ва форсий тиллар ҳисобида бойиб келган бўлса, Шўро замонида бу жараён таъсири кескин камайиб, ўз вақтида интернационал тил деб қаралган рус тили ҳисобида бойиб борди. Асосан фан – техника ва турли соҳага оид илмий атамалар рус тилидан ўзлаштирилди. Хитой эса Ғарб маданияти таъсирида айрим фан–техника, сиёсий, иқтисодий, шунингдек, халқаро ва юриспруденцияга оид атамаларни қабул қилди. Албатта, ўзбек ва хитой тилларига ажнабий атамаларнинг кириб келиши ва қабул қилиниш жиҳатлари бир-биридан фарқ мавжуд. Зеро, сўз ўзлаштириш бир тилдан иккинчи бир тилга бевосита сўз олиш йўли билан вужудга келади. Аммо бунда икки ҳодисани фарқлаш керак: бир тилга иккинчи бир тилнинг ўз сўзи ўзлаштирилади ёки ўзлаштириладиган сўз ўз навбатида ўша тилнинг ўзи учун ҳам ўзлашган бўлади. Масалан, бу ҳодисани япон тилидан хитой тилига қабул қиланган сўзларда кузатиш мумкин. Аксинча, рус тилдан ўзбек тилга ўзлашган, аслида ҳам русча бўлган сўзлар, айтайлик, *стол*, *пол*, *слёт*, кабиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Рус тилидан ўзбек тилига ўзлашган, аммо аслида ҳам русча бўлмаган сўзлар асосан қуйдагилар: *диаметр*, *кафедра*, *логика*, *грамматика* каби грекча

сўзлар, *студент, экзамен, аудитория, ректор, декан* сингари лотинча сўзлар; *полковник, рота, материк* каби полякча сўзлар; *вахта, солдат, офицер, штаб* каби немисча сўзлар; *драп, трико, кашке, кабинет, репертуар, аванс* каби французча сўзлар; *вокзал, трамвай, клуб, футбол, бокс*, каби инглизча сўзлар; *балерина, опера, карнавал, балкон* каби италянча сўзлар мавжуд.

Ана шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, сўз ўзлаштиришнинг усуллари ҳам бир неча:

1. Ўзича олиш. Бунда бир тилдаги сўз иккинчисига айнан ёки баъзи бир фонетик ўзгаришлар билан қабул қилинади.

2. Калькалаб олиш. Иккинчи тил материалидан қисм – қисм нусха олиш йўли билан ясалган сўзга калька дейилади (Французча *calque* “нусха кўчиришда ишлатиладиган ялтироқ қоғоз”, нусха). Масалан, бунга *拖拉机* (*tuolaji*) трактор сўзи яққол мисол бўла олади. Ёки *托拉斯* (*tuolasi*) “трест” сўзи инглиз тилидан қабул қилинган.

Калькалашда ўзлаштирилувчи сўзнинг маъноси ва морфематик тузуми сақланади, аммо бу морфематик тузум ўзлаштирувчи тилнинг материали билан тўлдирилади. Масалан, чаласавод сўзи русча “*полуграмотный*” сўзидан нусха олиш йўли билан ҳосил этилган калькадир. Туркий тилдан дўмбира сўзи хитой тилига *冬不拉* “дунгбула” деб қабул қилинган. Асли ҳақиқий калька деб биринчи галда умумхалқ, (*общенародный*) каби сўзларни кўрсатиш лозим. Бошқа тил сўзидаги ҳар бир қисмга ўз тилидан қисм келтириш ва бу қисмларни механик равишда бирлаштириб, сўз ҳосил этиш йўллари кўриб чиқилган мисолларда ўз аксини топган.

Кўпчилик калькаларда улар ўзлаштирувчи тилнинг қонун қоидалари асосида бирлаштирилади. Демак, бундай калькаларда ўзлаштирувчи тилнинг сўз яшаш усули қатнашади. Бундай ясалишни ўзича яшаш (яъни бошқа тилнинг таъсиридан ҳоли ҳолда яшаш) деб бўлмайти, аммо сўз яшаш деб баҳолаш ҳақиқатга тўғри келмайти. Калькалаш асосан икки хил бўлади: тўлиқ ва ярим калькалаш. Калькалашнинг биринчи кўринишида кальканинг барча қисмлари ўз тили материалидан тузилади: Кальканинг иккинчи кўринишида, калька таркибида ўз материали билан бир қаторда, ўзлаштириладиган тилнинг материали ҳам қатнашади. Масалан, *拖拉机手* (*tuolaji*) тракторист, *轮式拖拉机* (*lunshituolaji*), ушбу сўз бирикмасида *轮* “тиш”, “тишли ғилдирак”, иккинчи маъносида “навбат кутмоқ”ни англатади. *式* “шакл”, “фасон”, “макет” маъноларини англатиб, уларнинг *拖拉机* билан бирикиши натижасида ярим калькали сўз бирикмаси ҳосил қилинмоқда. *手扶拖拉机* (*shou futuolaji*) кабилар бунга мисол бўлиши мумкин. Ушбу ўринда *拖拉机* рус тилидан ўзлаштирилган атама. *手扶* хитойча сўз бўлиб, *手* қўл, *扶* “таяниб”, “ёрдамида” каби маъноларни

англатиб келади, яъни кўл ёрдамида бошқарилади (сўзма – сўз таржима)

Баъзи аффиксининг ўзинигина алмаштириш билан боғлиқ калька ҳам учрайди : материалистический - материалистик.

Ўзлаштирилаётган сўзнинг бир қисмини ташлаб олиш ҳам бор, актуальный - актуал, революционный - революция каби. Буни том маънода ўзича олиш ҳам, калькаланиш деб ҳам бўлмайди.

Калька аслида сўз ўзлаштиришдаги грамматик усул ҳисобланади. Чунки калькаланиш сўзининг морфематик таркибидаги қисмларидан нусха олишга асосланади. Баъзи ҳолларда эса иккинчи бир тилдаги сўзнинг таъсирида ўша сўз англаниш тушунчани ўзлаштириш сабабли, қабул қилувчи тилдаги бирор сўзда маъно тараққиёти содир бўлади.

Бундай лексик маъно тараққиёти иккинчи бир тилдаги сўзнинг таъсирида воқе бўлгани туфайли, уни ҳам калька деб юритадилар. Бундай калькани грамматик калькадан фарқлаш мақсадида семантик калька деб номлайдилар. Семантик калькада ҳам нусха кўчириш принципи сақланади: бир тилдаги сўзга бошқа тилдаги муқобили қидириб топилади ва шу топилган сўзга ўзлаштирилаётган лексик маъно юкланади. Масалан, русча кружок сўзининг кўчма маъноларидан бирини (кишиларнинг бирор машғулоти биргаликда ўтказиш учун тузган бирлашмаси) ўзлаштириш талаби туғилгач, аввало, ўзбек тилидан шу русча сўзнинг тўғри маъносига (доирача) муқобили топилади (тўғарак) ва шунга ўзлаштирилаётган кўчма маъно юкланади.

Йўлдош (ер йўлдоши) – спутник (спутник земли), йўлдош кема – спутник корабль кабилар. Умуман калькаланиш содда сўздан ҳам (туб ёки ясама бўлиши мумкин), кўшма сўзда ҳам, шунингдек, турғун боғланмада ҳам воқе бўлади.

Сўз ўзлаштиришни чет сўзларни ишлатиш ҳодисасидан фарқ қилиш керак. Сўз ўзлаштириш табиий, қонуний ҳолат; чет сўзларни ишлатиш эса ғайриқонуний ҳолатдир. Чунки бу ўз нутқига эътиборсиз қарашини акс эттиради. Тилнинг (нутқнинг) софлиги учун курашда умуман ўзлашмаларга эмас, балки сўзни кераксиз фойдаланиш ҳолларига қарши кураш олиб бориш лозим. (Бунда албатта, чет сўзларнинг ўринсиз ишлатилиши назарда тутилади). Бу масалада ўзбек ва хитой тили тарихига назар ташлар эканмиз, уйғур тили орқали Хитой тилидан (асосан таомлар номи билан боғлиқ сўзларнинг) ўзбек тилига атамалар ўтганлигини гувоҳи бўламиз. Зеро, уйғур тили орқали ўзлашган барча сўзлар адабий тили ва шеваларида қўлланилади. Уйғур тили билан ўзбек тили эса қардош тил. Шу ўринда, уйғур тили орқали ўзбек тилига кириб келган хитойча сўзлардан бир нечта мисол келтириб ўтсак; хитой тилида карам (бай – оқ, чай – кўкат, сабзавот). Бу сўз уйғур тилда бэсэй шаклида ишлатилади.

Сай – турпдан тайёрланган салат: *Сайни жуда бошлабди*. Жусай – хушбўй, овқатга солинадиган ва гарнир тарзида истеъмол қилинадиган кўкат. Ўзбек

тилидаги чой сўзи хитойча са, ча деб айтилади ва бу сўз хитой тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўз.

Шийпон - дала этагида жойлашган усти ёпиқ, жой. Уйғур тилида шипан, ши: пан. Хитойча сифан (си - бўйра, амиш, фан – уй, хона) – устига камиш ёки бўйра ёпилган уй, чайла.

Чўтал (хитойча чота) – чўтал; кимор, карта ўйинларда ютган томондан олинадиган пул, улуш. Уйғур тилида чота, чотучи – чўтал олувчи. Ўзбекча чўталчи деб айтилади.

Жужунча – уст кийим учун 70 – йилларгача кенг ишлатилиб келинган қалинрок, оқ-сарғиш рангдаги ипак газлама: хитой жужунчаси: жужун камзул; жужун шим каби.

Шоти – нарвон. Бу сўз хитойча шатанг сўзидан олинган бўлиб, Фарғона водийсидаги деярли барча шеваларда шати, шоти, шти каби шаклларда кенг қўлланади.

Тай – тай 1) болаларнинг дастлабки қадам босиши, юриш; шу юриш пайтида айтиладиган сўз: тай – тай қилинг каби. Хитой тилида тай - тай; уйғур тилида тэйтэйлэтип манғузмақ – болаларни қўлидан ушлаб юргизмоқ. 2) тай-тай сўзи хитой тилида ( уйғурлар тилидан ҳам) хоним, бека маъноларида ҳам ишлатилади. Демак, хитой ва туркий сўзларда мавжуд бўлган яқинлик ёки ўзлаштирилган сўзлар асосан овқат ва таомлар номи билан боғлиқ.

Хитой тилида атамалар ясаилишининг фонетик хусусиятлари. Деярли барча тилларда ҳар хил шаклдаги фонетик ўзлаштирмалар ва калькалар қайд этилган. Ўйлаймизки, бу ҳақда юқорида етарлича асослаб беришга ҳаракат қилинди. Ўзлашма сўзларнинг яна бир хусусияти шундаки, уларнинг кўшма (аралаш) шаклдаги ҳар хил ўзлашмалари мавжуд. Унда иккала кўринишдаги ўзлашмаларнинг ўзига хос хусусияти бирга қўшилади. Бироқ ҳар хил тилларда у ёки бу бошқа турдаги ўзлашмалар кўп бўлади. Хитой тилида асосий иккала кўринишдаги ўзлаштирмаларни учратиш мумкин. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, чет тилидан айнан таржима қилиб, сўз яшаш илмий – техника атамашунослиги ва ижтимоий - сиёсий луғат таркибида ниҳоятда кўп учрайди. Бу ўринда хитой тилининг ўзлашма сўзлар билан боғлиқ ўзига хослиги, фонетик ўзлашма сўзларнинг нисбатан чекланганлигида намоён бўлади. Масалан, Хитой тилшунослари Гао Минкай ва Лю Чжентаннинг қайд этишича, хитой тили лексикасида инсонни қамраб олган турли фаолият соҳасида ғарб тилларидан 900 га фонетик ўзлашмалар, шунингдек мўғул, манжур, тибет (ва қолаверса туркий сўзлардан ҳам) тилларидаги фонетик ўзлашмалар мавжуд. Бундан ташқари яна шу муаллифлар санскритдан олинган 200 га яқин фонетик ўзлашмаларнинг хитой тилида мавжудлигини таъкидлаб ўтишган. Хусусан, хитой тилидан ҳам аксарият чет давлатлар номи, жуғрофий номлар кўпроқ фонетик шаклда қабул

қилинади. Масалан, бунга биргина Судан давлати(苏丹) “sudan”номидан ҳам кўрса бўлади. Бундан ташқари, исломга оид бўлган атамалар хусусида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Масалан, 逊尼派 (xunnipai) Сунний мазҳаб, 什叶派 (shiyepai) Шея мазҳаби, 瓦隆革新与自由党 (Wallon xiang gexin yu ziyoudang) “Валлон ислоҳоти ва озодлик партияси ва.х.к.з. “Хитой тилидаги фонетик ўзлашмаларнинг камчиллигини мутахассислар турлича изоҳлашади. Баъзилар, кўрсатиб ўтилганидек, иероглифик ёзув хусусиятини ўзга тилдаги фонетик ўзлашмаларни ўтказишга мослаштирилмаган деб ҳисоблашади. Айримлар эса буни тилдаги фонетик қурилишнинг ўзига хос хусусиятида деб билишади. Немес синологи ( хитойшунос) Габеленц бу борада шундай фикр билдиради. Хитой иероглифик ёзуви чет тиллардаги товушларни узатишда ўта мукамал бўлмаган воситадир. Худди шундай фикрни Карлгрен ҳам таъкидлаб ўтган. Ҳозирги пайтда, яъни хитой тили ёзуви тилга фонетик ўзлашма сўзларнинг кириб келишида асосий тўсиқ ҳисобланади.

И.Д.Кленин фикрича, “Бизнинг назаримизда, хитой тилининг фонетик ўзлашмаларга ўтмаслигининг биринчи асоси бу тил ёзувидаги иероглифик хусусияти билан боғлиқ”. Мазкур ўринда япон тили иероглифлари қатори товуш ёзувлари – хирагана ва катаканалари билан жоизбадор эканлигини таъкидлаб ўтиш айни муддаодир. Охириги пайтларда Европа тилларидан товуш ўзлаштириш жараёни фаоллашди ва бу борада хитойни анча орқада қолдирди. Агар хитой тили фонетик ёзувга ўтилса деб тахмин қилинса, унда товуш ўзлаштириш бирмунча ошган бўлур эди. Хитой тилига нисбатан бундай фикрда бўлиш эса унчалар ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Ҳақиқатан ҳам иероглифлар четдан кириб келган сўзлардаги товуш таркибини ўзлаштиришга кам мослашганидек, хитой тилидаги сўзларнинг товуш таркибини ўзлаштиришга ҳам кам мослашган. Чунки, иероглифлар алоҳида товуш ва ҳатто бўғинларни эмас, балки яхлит бир бўғинли сўзлар ёки морфемаларни ёзиб олади. Гап хитой тилининг иероглиф ёзувда эканлиги ҳам эмас:

1. Хитой тилининг оғзаки шакли, худди ёзма шаклига ўхшаш бошқа тиллардаги фонетик ўзлашмаларни ўзига кам қабул қилади.

2. Иероглифлар билан бир қаторда хитой тилида ёрдамчи ёзув сифатида лотин алифбосини қўллаш тажрибаси хитой тилидаги фонетик ўзлашмаларнинг сезиларли ўсишига ҳеч бир нарса бермади. Шуниси характерлики вьетнам тилида аллақачон иероглифик ёзув ўрнига ҳарфли ёзувдан фойдаланилса-да, ҳали ҳам ҳинд – европа тилларидан ўзлашмаларни анча чекланган миқдорда қабул қилади. Шунингдек, вьетнам тилида типологик жиҳатдан хитой тилига ўхшаш катта лексик ўзлаштирмалар мавжуд. Япон тилидаги фонетик ўзлашмаларнинг хитой тилига нисбатан фаоллиги, унинг ўзига хос ёзувида эмас, балки япон ёзуви тузилишидаги бўғин алифбоси

аллақачон иероглифик ёзувга қўшимча қилингани билан таснифлаш мумкин. Кленнинг фикрича, япон тилидаги фонетик ўзлашмаларнинг фаоллашиш жараёнлари кейинги пайтларда содир бўлган. Бундан ташқари, япон тили хитой тилидан ўзининг фонетик морфологик тузилиши жиҳатидан фарқ қилади. Хитой тилидан фарқли ўлароқ, япон тилида бўғинга ажратишда морфологик маъно бермас ҳам бўлади, яъни бўғин маънога боғланиши шарт эмас.

Бизнинг фикримизча хитой тилига ўзлашмаларнинг кенг равишда кириб келишига тўсқинлик қилувчи асосий сабаблардан бири хитой тилидаги бўғиналарнинг морфологик (семантик) аҳамиятга эга бўлишидир.

Иероглиф билан ёзиладиган ҳар бир бўғиннинг маъноси мавжудлиги туфайли иероглифларнинг ўзи маъно орқали боғланади. Маъносидан ташқари, унга бириктирилган ўзга маъноли товушлар (бўғинларни) фонетик ёзуви воситаси бўлиб хизмат қила бошлайди. Бу ҳақда Р.Форрест куйидагича фикр билдириб, шундай таъкидлайди, яъни хитойларда бир товушни алоҳида унинг маъносидан ташқари ёзиб олиш усули йўқки, қайсики бу ҳар қандай бошқа тилларнинг ёзув шаклига хос. Дейлик, иероглифлар билан ёзилган кўп бўғинли сўз берилган. Масалан, 土耳其人 (tuerqiren), 土耳其语 (tuerqiyu), 土库曼语 (tukumanyu) 土库曼人 (tukumanren) ва х.к.з.

Ушбу ўринда ўқувчи учун масаланинг қийин жиҳати- бу ҳар бир иероглиф маъно хусусиятларининг аниқлаб олиниши.

Хитой тили сўзни фонетик ўзлаштирганда у ёки бу сўзни бўғинларга бўлиб чиқади ва ҳар бир бўғинни иероглиф билан ёзиб чиқади. Иероглиф худди хитойча бўғиннинг маъносини кўрсатади. Бошқа тилларда қоидага кўра бўғинлар мустақил равишда мазмундан маҳрум. Хитой тилида эса ҳар бир бўғин маълум бир аниқ маънога эга. Шунинг учун хитой тилидаги ҳар бир фонетик ўзлашган сўз худди бир бўғинлар йиғиндисини кўрсатади, бунда ҳар бир бўғин маънога эга бўлади, бутун сўзнинг маъноси билан умумийлиги бўлмайди. Р.Форрест фикрича, иероглифлар билан ёзилган (аниқ буғун ифодаловчи иероглифлар) фонетик ўзлашмаларни ўқишда хитойлик аввало ҳар бир иероглифнинг маъносини кидиради. Унинг қайд этишича, хитой тилидаги иероглифлар билан ифодаланадиган ҳар бир бўғин нафақат фонетик, балки маъноли бирлик ҳамдир. Бироқ Кленнинг мутлақо тўғри таъкидлайдики, яъни фонетик ўзлаштирмалар оқимини чеклайдиган сабаблардан бири, бу хитой тилининг луғатларидаги сўзларнинг кўпи (катта миқдори) икки бўғиндан иборат эканлигидир. Икки бўғиндан ортиқ сўзларнинг миқдори нисбатан анча кам. Шунинг учун кўп бўғинли чет тилдан кирган сўзлар ҳажм томондан қўлланилишига кўра хитойча сўзлар қолишига мос тушмайди ва уларнинг қабул қилиниши мураккаб. Юқоридаги кўриб чиқилган манбалардан чет тилидан хитой тилига ўзлаштирилган сўзларнинг кам миқдорда қабул қилиниши асосан

иероглифларнинг бўғин ёзуви эканлиги, чет сўзларни қабул қилишда маълум бир қонун ва қоидаларга бўйсинишидир. Ана шу маънода айтадиган бўлсак, хитой тили юридик соҳаларида ўзлашма сўзлар мавжуд бўлса-да, уларнинг сони жуда кам миқдорда эканлигини ушбу ўринда таъкидлаб ўтиш лозим. Тадқиқотимиз хитой тилидаги юридик атамалар таснифи ва хусусиятларини ўрганишга бағишланган экан, бу борада хитой тилида сўз ясалишига ва уларнинг юридик атамаларни шаклланишидаги назарий томонларига аҳамият қаратишимизга тўғри келади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Носирова С. «Хитой тили дипломатик атамаларининг лексик-семантик структурал таҳлили» (*Автореферат 2008 йил*)
2. 中国 (Zhongguo) Хитой ойлик журнали. - №2 (52) 2010. - Б.2, 43.
3. 中国 新闻周刊 (Zhongguo xinwen zhoukan) (Хитой янгиликлар ҳафталиги журнали) - №8. 2010. – Б.76.
4. Войцехович И.В. Китайский язык. Общественно – политический перевод Москва., Муравей 2002.